

Ушбу сонда:

2 Ёшларга янги иш ўринлари

3 Жавоҳарлаш Неру: ЭНГ ҚИММАТЛИСИ - ДЎСТЛИГИМИЗДР

4 СИЗ СЕВГАН САНЪАТКОРЛАР

Ижтимоий химоя

АНЪАНАВИЙ «ХАВАС-2000» ТУРНИРИ

Шу йилнинг 6,7,8 май кунлари Тошкентдаги «Динамо» спорт саройида анъанавий «Хавас-2000» турнири бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Тошкент шаҳридан жами 14 та жамоа қатнашиши кутилмоқда.

Айни кунларда турнирнинг дастлабки босқичи вилоятларда бўлиб ўтмоқда.



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 2 май, сешанба №62 (894)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПРЕЗИДЕНТ ҲИНДИСТОНГА ЖўНАБ КЕТДИ



рали кечади ва икки томонлама муносабатлар ривожига бурилиш ясади. Зеро, тахминан ўн та ҳужжат, жумладан, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги кўп қиррали алоқалар тамойиллари ҳақидаги баёнот имзоланиши кўзда тутилган.

Шу вақтгача икки мамлакат ўртасида ўттизта ҳужжат қабул қилинган. Улар сафига қўшилиши кутилаётган икки ҳужжатга алоҳида тўхталмоқчиман. Бу икки ҳужжат халқаро уюшган жиноятчилик, террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-ярроқ контрабандасига қарши биргаликда курашга қаратилган. Мазкур келишув жиноятчиларни ушлаш ва топшириш, шу орқали ўзга юртда паноҳ топишни истagan кимсалар йўлига тўсиқ қўйиш имконини ҳам беради.

Бундан ташқари, матбуот соҳасида ўзаро ахборот алмашиши йўлга қўйиш, иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга кўтариш бўйича ҳам ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган. Айни пайтда юртимизда Ҳиндистон билан ҳамкорликда ташкил этилган ўттизга яқин қўша корхона фаолият қўрсатмоқда. Ташриф давомида мазкур қўша корхоналар ишининг сифат ва самарадорлигини янада ошириш, уларнинг сонини кўпайтириш ҳақида ҳам гап бўлади, албатта.

Саидмурод РАХИМОВ, ЎЗА мухбири.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Деҳлига етиб келди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 май кунги давлат сафари билан Ҳиндистонга жўнаб кетди. Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб қайтарар экан, ташрифдан қўзланган мақсадлар ҳақида, жумладан, бундай деди:

Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг тарихи ва маданияти бир-бирига муштаракдир. Айниқса, бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари даврида анча тараккий этган муносабатларимизнинг илдизи чуқур ва мустаҳкам. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалар бўйича алоқалар жадал ривож топаётганининг негизидеги икки мамлакат халқларининг азалий

дўстлиги ётади. Мана шу дўстона муносабатлар яратган замин устида мамлакатлараро ижтимоий ва иқтисодий алоқалар ҳам ривожланипти.

Ҳиндистон билан муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантиришга имтизони икки томон учун ҳам мақбул сўбасат, - деб сўзида давом этди давлатимиз раҳбари. - Дунёвий ва минтақавий масалалар

бўйича Ҳиндистон ҳукумати раҳбарлари бизнинг қарашларга жуда яқин. Мазкур сафардан қўзланган мақсад ана шу омилига таянган ҳолда алоқаларни янги босқичга кўтариш, янада кенгайтиришнинг ҳуқуқий асосини яратишдан иборат.

Деҳли сафари чоғида Ҳиндистон раҳбарлари билан, жумладан, президент, вице-президент, бош вазир, ташқи ишлар вазири ва бошқа ҳукумат аъзолари билан учрашувлар ўтказилади. Ташриф асосида Ҳиндистон тижоратликлар ассамблеяси вакиллари билан ҳам учрашув режалаштирилган. Умид қиламизки, бу мулоқотларнинг ҳаммаси самара

## 9 май - Хотира ва қадрлаш куну

Ўтганлар хотирасини азиз тутмоқ хайрли ишдир. Аждодларимиз руҳини шод этиш, мустақиллик йўлида жон фидо этган, қатагон қилинганлар, авлодлари истиқболни ўйлаб, маънавий ҳаётимизни гўзаллаштириш учун ноёб асарларини мерос қилиб қолдирган улғур инсонлар ҳурматини жойига қўйиш - инсоний бурчимиздир. Иккинчи жаҳон урушида халок бўлганлар, фронт ортида халқимиз келажагини ўйлаб, оғир ва машаққатли меҳнат қилганларни эъозлаш борасида катта ишлар амалга ошириляпти. 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куну деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Шу боис, падари бузрукворим ҳақида ёзишни ўз олдимга мақсад қилиб, кўпни кўрган бир отахонга маслаҳат солдим.

Кўп хайрли ишга қўл урибсиз, ўғлим, отангизга раҳмат! - дея суҳбатни бошлади Жаҳрмасжид маҳаллалик 84-ёшли отахон Абдулхай Маҳсум Яхёнов ўғиллари. - Биргина шу маҳалламиздан қатагон этилиб, жабрулдан азият чекканлар кўп. Уларнинг қаторида Иброҳимхўжа Эшон, Абдуллаҳон Маҳсум почча, Абдуллаҳон Абдурахмонов, Жалол Машрабий, Наби Юсуфий каби зиёлиларини ҳам эсга олиш лозим. Воқеа бундай бўлган эди:

Бомдод номозидан сўнг Яхёнов маҳсум дўсти Иброҳимхўжани ҳоли топиб, деди: - Менга бир нозик иш буордилар, зиммага олсамми, олмасамми, дейман. - Маъқул кўрсалар, айтсинлар. - Сўз қотди Иброҳимхўжа. - Эшон, биласиз, таъби нозик одамман, ёзадиган бўлсам, ҳақиқатни ёзаман, деб айтдим. Улар ўйланиб қолдилар.

Тўғри гап қилишдан ўткир, келгуси авлодларга қолдирган тарих китоби ҳар томонлама покиза, тўғри, ҳақиқат ва чин сўزلардан бунёд бўлмоғи керак. Шу суҳбатдан сўнг Яхё Маҳсум тарих китобини ёзишга қўл урди. 1927 йилда унинг «Боди Фарғона» /Фарғона шамоли / китоби тайёр бўлди. Уни биринчи бўлиб Марғилон шаҳар ГПУ си бошлиғи Баҳожов олди. Иккинчи нусхани ўз уйларида сақладилар. Китобда шахримизда яшаб ўтган улуг кишилар билан бирга халқ қахрамони Мадаминбек ҳаёти ҳақида ҳам маҳсум лавҳалар ёзилганди. Афсуски, бу китоб йўқотилган. Ўйлашимизки, олимларимиз, тарихшуносларимиз бу масалага қайтиб, савоб ишга қўл бор қўл урадилар.

Яхёнов Маҳсум Музаффар хўжа ўғли 1882 йилда Марғилонда туғилди. 16 йил давомида Бухоро мадрасаларида тахсил олди. 30 ёшда Марғилонга қайтиб келиб, қайнонтаси Қосимхон ҳожи кўрдирган мадрасада мудarrisлик қилди. Араб, форс тилларини ва адабиётини мукаммал билган бу зот халқимиз ўртасида маърифат нурини сочди. Узининг ғазалларида Ватан ва халқнинг тақдири ҳақида қуйлади.

Илоҳи, ҳеч киши оламда ҳайрон ўлмасун мендек,

Фарибу бекасу ҳам хонавайрон бўлмасун мендек. Юрак бағри эзилса, хешу авлоду биродарга, Тополмай ахтариб кўкси тўла қон бўлмасин мендек.

Гаҳи тоғу, гоҳи боғу, гаҳи чўлларда йигларман, Қаро бахти ила субҳушом ноён бўлмасун мендек.

Биз Абдулхай Маҳсум Яхёновнинг оилаларида қолган бир неча китобларни кўрдик ва кўзимизга тўтиб этдик. Улар асосан дарслик китоблари бўлиб, юксак ҳаттот-

ситамларга маҳсум этилган Яхёнов Маҳсум қамоқхонада отиб ташланади. 1960 йилнинг 30 майда келган хатга кўра, Фуқаро Яхёнов Маҳсум Музаффархўжаевнинг но-тўғри айланганлиги ва айби исботланмаганлиги айтилган. Замоннинг зайлини кўринг, шунча сувлар оқди ва шунча йиллар ўтди, лекин у кишининг номи ҳамон оқланмай қолди.

Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, ҳурматли юртбошимиз маҳсум фармоиши қабул қилиб, халқ, ватан ҳуррияти йўлида азиз жонларини фидо қилган ҳар бир ватандошимизнинг исми шарифини тиклаш ва хотирасини абадийлаштиришдек савобли ишларга ҳам бўлдилар, - деди суҳбатимиз сўнгига меҳнат фахрийси Абдулхай Маҳсум Яхёев, - отам билан қочиб юрган кезларимиз учор ҳол - аҳволимиз, уқаларимнинг фарёларини эслаганимда, юрак-бағрим пора-пора бўлади. Бизнинг айбимиз нима эди, деб ўйлардим ўша пайтларда. Мана, саодатли кулар ҳам келди. Шаҳидлар ва ноҳақ отилганларнинг, қабризи қўмилганларнинг руҳи пойлар шод этилмоқда.

Шу ўринда отам билан сўнги учрашувни эслайтиб ўтишим жоиз. Отамни кўрган қамоқхонага боргандим. У киши йўғлаб туриб, устларидеги қўйлақларини ювиб беришни сўрадилар. Мен отамни исидан бехуш бўлиб, йиқилдим. Кўйлақни ариқда ювиб чайқар эканман, кўз ёшларим худди ана шу ариқ сувидега оқди. Айтишларинча, у кишига ана шу қўйлақни кийгизиб, ўзларига чуқур кавлатиб отганлар...

Ўқтамжон ЭШОНБОБОВ, журналист.

## ПОЛВОНЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Хитойнинг Гулин шаҳрида эркин кураш бўйича Осие чемпиони ниҳоятда саккиз нафар спортчимиз иштирок этиб, саккизта медални қўлга киритиб, жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Шу пайтгача мамлакатимизнинг бирорта ҳам миллий жамоаси бундай муваффақиятга эриша олмаган эди.

Чемпионатда беллашувлар жуда қизгин келди. 13 мамлакат вакиллари Осие чемпиони номини олиш ҳамда айни пайтда Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига бериладиган йўланмани қўлга киритиш учун ўзаро куч си-нашди.

Ўзбекистонлик курашчилар бешта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медални олишга муваффақ бўлишди.

Рамил Исломов, Игор Купеев, Руслан Хинчагов, Расул Катиновасов ва Артур Таймазовлар Осие чемпиони унвонини қўлга киритдилар.

Дамир Захардинов ва Сослан Фраевлар кумуш, Аҳдам Очиллов эса бронза медали соҳиб бўлди.

Туркияда ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича ниҳоятда янги йирик халқаро турнирда ҳам ҳамюртларимиз Музаффар Абдурахмонов билан Зоир Азимов галабага эришди. Баҳром Ирисметов ва Жамшид Саидов туртинчи ўринни эгаллашди.

Биз курашчиларимизнинг Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида ҳам голиблигини қўлга киритишларига ишонамиз. (ЎЗА).

## Саёҳат — роҳат КАСАБАҚҒМ ТАШАББУС КЎРСАТДИ

«Қашқадарёсайёҳ» очик хиссадорлик жамияти жамоаси хайрли ишга қўл урди. Виллоят ташкилот ва муассасаларининг 400 нафарга яқин илгор ишчиларини қадимий Бухоро-Урганч-Хива шаҳарлари бўйлаб сайёҳатини ташкил этди. Сафар катта таассурот қолдирди. «Қашқадарётелеком»нинг Қарши шаҳар телефон алоҳаси бўлимида 15 йилдан бунён ишлайман, - дейди Феруза Элмуродова. - Бу сайёҳатни уюштирган жамоамиз касоба уюшмаси раҳбарларига миннатдорчилигимизни билдирамиз. Сайёҳат бизнинг ишимизга ижобий таъсир этди, кайфиятимизни кўтариб, кундалик иш унвини яхшилади. Поездлардаги хизмат тури ҳам кўнглимизда ташкил этилганлиги маъқул бўлди. Уч кун давомида қадимий Хива-Урганч-Бухоро шаҳарларини томоша қилдик. Бундай сайёҳат доимий равишда уюштирилиб турилишини истардик.

Хиванинг қадимий ёдгорликлари ҳақида кўп эшитганим, - деди «Қашқадарётелеком»нинг Шахрисабз туман бўлими электр монте́ри Дилшод Кўлдошев. - Ичакнальва мажмуини томоша қилиб, бир олам

таассурот билан қайтдим. Кутиб олиш, овқатлантириш ва поездаги шароитлар бизни гоят мамнун этди. - «Қашқадарёсайёҳ» хиссадорлик жамияти жамоаси билан бир неча йилдан бунён иш олиб борамиз, - суҳбатни давом эттирди. Қашқадарё темир йўл дирекцияси биллашган касоба уюшма қўмитаси раиси Абдимурод Бозоров - Биз бу галги сафаримизда 36 нафар ишчини сайёҳатга олиб бордик.

Урганч шаҳридаги Жалолиддин Манғуберди ёдгорлиги мажмуи сайёҳларда катта таассурот қолдирди. Улар қадимий Бухоронинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди. Ха яхши дам - меҳнатга ҳамдам. Меҳнаткашларга қанчалик қулай шароитлар яратиб берилса, ишда юкори унум ва сифат бўлади. Бинобарин, меҳнаткашлар манфаатларини химоялаш касоба уюшмаларининг муҳим ишларидан биридир.

Шавак СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

## 2000 йил — Соғлом авлод йили

Инсон соғлигини сақлаш, унинг саломатлигини мустаҳкамлашда оммавий спорт ва жисмоний тарбия тадбирларининг аҳамияти бекиёсдир. Самарқанд вилоят касоба уюшма ташкилотлари томонидан ҳам бу муҳим соҳада ибратли ишлар қилинмоқда. Виллоят касоба уюшмалари кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари Б.Бобомуродов билан мусохабамиз шу хусусда.

Баҳоидир ака, суҳбатимиз аввалида касоба уюшмаларининг спорт соҳасидаги диққатга сазовор ишлари ҳақида сўз юритсангиз.

Одамларнинг маънавий-руҳий баркамоллиги ҳақида гапирар эканмиз, буларнинг ҳаммаси инсоннинг жисмоний бакуватлигига, соғломлигига асосланишини унутмаслигимиз керак. Спорт, Президентимиз «Спорт спорт учун эмас, энг аввало одамлар учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан қомил инсонлар этиб тарбиялаш

учун, ер юзидеги барча кишиларнинг тинчлик-осойишталиги, дўстлик ва ҳамкорлиги, бахт-саодати учун хизмат қилиши даркор» деган сўзлари фаолиятимиз мезони бўлиб хизмат қилляпти. Бунинг амалий инъикоси сифатида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган. Қисқаси, ҳукуматимизнинг спорт соҳасидаги шу ва шу каби кўрсатмаларига амал қилиб, виллоят касоба уюшмаларининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти му-

айан ютуқларни қўлга киритмоқда. Ҳозир виллоятда касоба уюшмалари қарашли 544 та жисмоний тарбия ва спорт жамоалари бор. Уларда 82 мингдан ортиқ киши спортнинг 27 тури бўйича мунтазам шугулланмоқда. 31 та стадион, 40 та спорт

заги, 9 та сузиш ҳавзаси, 819 та спорт майдончалари меҳнаткашлар ихтиёрида. Касоба уюшмаларининг иччил сайёҳаракатлари тўғрисида уюшмалари кенгаши барча тармоқларида оммавий мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда жисмоний тарбия ва спорт жамоалари сон

тага, шугулланувчилар сон

22 мингга кўпайди. Кувончлиси шуки, касоба уюшмаларининг спорт клублари ва мактабларида тарбияланган ўнлаб спортчилар республика ва халқаро микёсдаги мусобақаларда юксак натижаларни қўлга киритишмоқда. Га эришиш борасида жамият ўзининг аниқ дастури асосида иш юритмоқда. Лекин жойлардаги айрим раҳбарлар бу ишга ҳамон етарли эътибор бермаётганликлари кузатиляпти. Тўғрими? - Афсуски, айтганингиз-

## СПОРТ МАЖМУИ ёшларни қомил инсонлар этиб тарбиялаш учун хизмат қилади

Шу ўринда Ватанимиз спортни доврўгани жаҳонга дoston этаётган самарқандлик дзюдочилар Аслам Муродов, Михаил Соколов, оғир атлетикачилар Баҳоидир Бозоров, Ботир Усмонов кабиларнинг номларини фахр билан тилга олиб ўтишни истардим. - Спортни ривожлантириш, унинг оммавийлиги-

дек, ҳали камчиликлар, бизни ташвишлантираётган муаммолар анчагина. Айтайлик, айрим корхоналарда спорт жамоаларининг номигича қолган, холос. Иқтисодий танглик баҳонасида спорт йўриқчилари лавозими қисқартирилган. Биз жойлардаги аҳволни ўрганиш чоғида Самарқанд шаҳридаги «Алломиш», «На-

навий ёрдам кўрсатиш тадбирларини амалга оширмоқда. Мактаб ва бошқа ўқув юрларида, ҳарбий қисмларда, маҳаллаларда уруш иштирокчилари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

## «АБАДИЯТ» КИЙИМЛАРИ

«Шаҳидлар хотираси» жағармаси қошида «Абадият» ишлаб чиқариш корхонаси яқиндагина ташкил топганига қарамай, «Ватан саждаоқа каби муқаддасдир» ёзуви бежирим спорт кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Айни пайтда Италиянинг «Текстайл кotton» компанияси билан қўша корхона очил борасида музокалар олиб бораёلمиз. Эркин валютлада

кредит ажратилиши тўғрисида Ўзбекистон Миллий банки билан келишиб олдик, - деди «Туркiston-пресс» муҳбирига «Абадият» ишлаб чиқариш корхонаси директори Қобил Рустамов. - Бу кийимлар бизнинг биринчи маҳсулотимиз. Келажақда 50 хил турдаги ёзуви спорт кийимлари ишлаб чиқаришни мўлжаллаёмиз. Бундан асосий мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Йўларда корхона ва ташкилотлар пештоқиға ёзиб қўйилган шорларга камданкам ҳолларда кўзимиз тушадим. Аммо тенгдош, фарзанди ёки қўшнисининг устидаги кийимдаги ёзувга беихтиёр қарайди. Бу эса замондошларимиз хотирасига муҳрланиб, уларга яхши таъсир этиши табиий.

Виллоятда бешта ана шундай мактаб бор. Уларда 2 мингга яқин ёшлар спортнинг 12 тури бўйича сабоқ олишади. Айниқса, оғир атлетика, академик зшак эшиш, Турон якка кураши, қиличбоқлик бўйича турли мусобақаларда муваффақият қозонилмоқда. Бирок, очигини айтсам, спорт жойларини ва анжомларни етишмаслиги каби муаммолар мавжудлигидан кўз юмолмаймиз.

— Спорт иншоотлари имкониятидан жойларда етарлича фойдаланиляптими? Бу борадаги ишларни қоникарли дейиш мумкин. Албатта, аҳволни янада яхшилаш имкониятлари бор. Лекин бунинг учун касоба уюшма бошлангич ташкилот-

Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

**«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳамда Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси ўртасида транспортнинг бир маромада ишлашини таъминлаш, республикамизда халқ ҳўжалиги ва аҳолисининг темир йўл хизматига бўлган эҳтиёжларини қондириш, соҳа ходимларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоялаш қафолатларини белгилаб бериш мақсадида 1999-2000 йилларга мўлжалланган Тармоқ битими тўзилган эди. Яқинда ушбу ҳужжатда кўзда тутилган мажбурият ва шартлар бажарилишининг ўтган йил якуни ва жорий йилнинг биринчи чораги натижалари кўриб чиқилди. Бунда Тармоқ битимининг мавжуд 87 бандининг асосий қисми тўла-тўқис бажарилишини маълум бўлди. Шу хусусда ҳамда тармоқ касаба уюшмасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Абдулҳай Абдураҳмонов «Туркестон-пресс» муҳбирига шундай деди:**

— Кўмитамизнинг энг муҳим вазифаларидан бири иш ҳақини ўз вақтида тўланишини назорат қилишдир. Чўнки, бу масала бугунги кунда ижтимоий ҳўмоннинг энг асосий бўғини ҳўсбланади. Ҳозирда тармоқда меҳнат қилаётган

ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 16,400 сўмни ташкил қилмоқда. Эндликда бу миқдорни 30 фоизга ошириш масаласи кўрилмоқда. Бундан ташқари, ишчиликни камайтириш масаласи ҳам Марказий Кўмитанинг кечикти-

# ЁШЛАРГА ЯНГИ ИШ ҲЎРИНЛАРИ

риб бўлмас вазифаларидан бири бўлиб, айниқса, ёшларни зарурий иш ўринлари билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир муҳим вазифа мутахассислар тайёрлашга эътибордир. Соҳа мутахассис ва кадрларини тайёрлаш, уларни қайта ўқитишни ташкил этишда «Темир йўл мактаблари» катта аҳамият касб этмоқда.

Муаммоларга келсак, бизнинг соҳада меҳнатда жараҳатланишни бартараф этиш биринчи галдаги вазифадир. Тармоқда мажур ҳўлатнинг йил сайин камайиб бораётганлиги, хўсуosan, кейинги 4 йил ичида уч баробар камайганлиги қувончлидир. Аммо темир йўл ва транспорт қурилиши тизими жуда хўшёрлик ва сергаклик, масъулиятни талаб этади. Чўн-

ки иш жараёни техника билан боғлиқ бўлганлиги боис кичик бир хато, эътиборсизлик ва етарли билим ҳамда тайёргарликка эга бўлмаслик тўзатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мўмкин. Бу йўналишда касаба уюшмалари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, жамоатчилик биргаликда иш олиб бориши лозим.

## Соғломлаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва Марказий Кўмитамиз томонидан «Соғлом авлод дастури» ишлаб чиқилган. Унга биноан меҳнатқашларнинг фарзандлари тармоқда мавжуд еттига болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиб, саломатликларини

тиклайдилар. Шунингдек, масвумда Ҳоразм вилояти ва Орол бўйи ҳўуддлари темир йўлчиларининг фарзандлари ҳам ушбу масканларга бегул йўланмалар билан таъминланадилар.

Назарбек, Тошкент, Чимён, Ҳўжакентда жойлашган санаторий-профилакторийларда меҳнатқашларнинг даволанишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар мўхайё. Ҳўсуosan, «Назарбек» санаторий-профилакторийси Швейцария лойиҳаси асосида барпо этилган бўлиб, маъданли сув, балчиқ, жисмоний даволаш машқлари, ўқалаш, игна ва сув билан даволаш каби шифо усуллари ёрдамида меҳнатқашлар саломатликлари тикланади.

### Маъмурият ва касаба уюшма кўп ишга қўдир

## ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА МАДАД

Бир вақтлар «Афросиёб» корхонаси фақат йўл қурилишида асқотадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарарди. Жамоада 80 киши меҳнат қилар, 10 нафа эскирган машина ва механизмлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Эндликда 300 нафар ишчи ходим ишлаётган байналмилал жамоа халқаро йўл ҳисобланмиш катта ўзбек трактининг Самарқанд шаҳри чегарасидан Жиззах вилоят чегарасигача бўлган 42 қақиримдан иборат қисмининг эгаси. Темир-бетон хомашўси тайёрлашдан тортиб, йўлларни асфальтлаштиришгача бўлган юмушларни жамоа аҳлининг ўзлари уддалашади. Бу ерда 55

нафа эскирган машина ва механизмлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Эндликда 300 нафар ишчи ходим ишлаётган байналмилал жамоа халқаро йўл ҳисобланмиш катта ўзбек трактининг Самарқанд шаҳри чегарасидан Жиззах вилоят чегарасигача бўлган 42 қақиримдан иборат қисмининг эгаси. Темир-бетон хомашўси тайёрлашдан тортиб, йўлларни асфальтлаштиришгача бўлган юмушларни жамоа аҳлининг ўзлари уддалашади. Бу ерда 55

нафа эскирган машина ва механизмлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Эндликда 300 нафар ишчи ходим ишлаётган байналмилал жамоа халқаро йўл ҳисобланмиш катта ўзбек трактининг Самарқанд шаҳри чегарасидан Жиззах вилоят чегарасигача бўлган 42 қақиримдан иборат қисмининг эгаси. Темир-бетон хомашўси тайёрлашдан тортиб, йўлларни асфальтлаштиришгача бўлган юмушларни жамоа аҳлининг ўзлари уддалашади. Бу ерда 55

ўзаро ҳамкорлик қилиб, яқиндан кўмаклашиб келаяпти.

Самарқанднинг тобора ободонлашуви учун жамоа хайрли тадбирларга маблағ кўчирмоқда. Дарвоқе, яқинда «Афросиёб» автомобил йўлларида фойдаланиш бошқармаси ходимлари Сартена кўрғонига элтадиган йўлни сифатли таъмирлашди. Жамоа бу ишда ўз ҳисобидан 3 миллион сўм маблағ сарфлади.

Келажақ авлоднинг соғлом ўсиши, уларга шарт-шароит яратиш мақсадида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Фарҳод шаҳарчасидаги Дилшод номли болалар боғчасида тарбияланаётган 50 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун тўловларни жамоа ўз зиммасига олган.

Каримжон СОАТОВ.

### Бор бўл, оқибат!

## «ШОМУРОТ ОТА»НИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИ

Саховатли кишилар ўз пешона терлари билан топган маблағларини бир қисмини хайрли ишларга бағишлайдилар. Ана шундай инсонлар ҳақида Косон туман «Болалар» жамғармасининг раиси Розия Суярова қўйидигиларни гапириб берди:

— Туманимизда савобталаб кишилар кўп. Биргина «Шомурот ота» хўсусий фирмаси жамғармамизга бир йилда 200 килограмм гўшт хайрия қилди. «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги, Косон пахта заводи, «Таом» корхонаси, «Бўнёдкор» ДСП ишлаб чиқариш ташкилотлари болалар кийим-бошлари, пахта ёғи, озиқ-овқат маҳсулотларини кам таъминланган оилаларга улашдилар.

Жамғармамиз ҳисобида 305 нафар боқувчисини йўқотган болалар рўйхатда туради. Кам даромадли оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, улар учун меҳр-мурувват тадбирлари амалга оширилаяпти. Жамғарма ҳисобидан 50 нафар ўғил-қиз Имом ал-Бухорий мажмуасига

саёҳатга бориб келишди. Ўтган йили 40 нафар ўсмирга ёзги таътил кунларида оромгоҳларда дам олиб келиши учун йўланмалар ажратилди. Айрим оилалар вақтли нашрларга обуна қилинди. Хориж жамғармаларидан 1,5 миллион сўмлик турли дори-дармон ва кийим-кечаклар келтирилиб, кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Наврўз байрами арафасида 4 нафар кичкинотнинг суннат тўйлари ўтказиб берилди. Иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш, спорт мусобақаларини уюштириш ишларига 200 минг сўм ажратилди. Жамғарма ҳисобидан деҳқончилик қилиш учун ер олиб, экин-тикин қилиш, цех очиш, қандолатчиликни ривожлантириш ҳам йўлга қўйилди.

5 нафар эҳтиёжманд оиланинг уйини таъмирлаб бериш учун ҳам маблағ ажратилди.

Шарофат АШУРОВА, «Иждокор аёллар» уюшмаси раиси.

### ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Премқулов жавоб беради

Савол: Мактабларда ўқитувчилар навбатчилиги тартиблари ҳақида тушунча берсангиз.

Жавоб: Амалдаги мавжуд қўнунчилигимизда «навбатчилик» деган тушунчанинг ўзи йўқ. Меҳнат Кодексига биноан иш бевурчи ҳодимдан меҳнат шартномасида назарда тутилган вазифалардан бошқасини бажарилишини талаб қилиши мўмкин эмас. Ҳар қандай навбатчилик ва ҳўказолар тарафларнинг келишувига биноан ҳодимнинг розилиги билан амалга оширилиши мўмкин. Бу ҳақда буйруқда ёки шартномада бажариладиган иш аниқ кўрсатилиши ва унга тўланадиган ҳақ белгиланиши шарт бўлади. Жамоа шартномаларидаги «ишлаб чиқариш зарурати», деб тан олинган ишлар рўйхати юқоридигилардан мўстасно.

Термиз шаҳридаги «Термизон» ҳиссасдорлик жамияти вилоятда энг нуфузли корхоналардан бири ҳисобланади. Ҳозирда мазкур корхонада кўнунга шахар аҳолиси талабига яраша 12 тоннага яқин нон ва нон маҳсулотлари тайёрланапти.

Мустақиллик йилларида корхона фаолияти янги боқичга кўтарилди. Яқинда бу ерда 464 минг АҚШ долларига тенг келадиган Италиянинг «ТЭКНАГРИ - ПРОЖЭКТ» фирмаси билан ҳамкорликда макарон ва печениелар ишлаб чиқарадиган иккита янги цех ишга туширилди. Цехда кўнунга қадокланган ҳолда 5 хил турдаги 1,5 тонна макарон ва 1,5 тонна печени маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Корхонада

### Ўзбекистон - Италия ҳамкорлиги



## ЗАМОНАВИЙ МАКАРОН ЦЕХИ



бундай янги цехларнинг очилиши туфайли ишчилар сони яна 25 нафарга кўпайди.

Айни пайтда бу ерда 85 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўртача иш ҳақи 10 минг сўмни ташкил қилади.

Бундан ташқари ҳиссасдорлик жамиятида 0,4-0,5-0,6 ва 720 грамлик нонлар, беш хил турдаги булочка маҳсулоти, йодли батонлар ва пряниклар тайёрланапти.

Албатта, корхона жамоаси учун бир кунда шўнча хил турдаги харидорғир

маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўзи бўлмаяпти. Бунинг учун корхона аъзолари иш сифати ва унумдорлигига эътибор берган ҳолда сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Бу эса аҳил жамоа учун муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Суратларда: 1. Печени тайёрлаш цехида. 2. Қадокланган макаронлар.

Искандар ҲўЖАЕВ (Ўза) олган суратлар.

### Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

## «БЕШБўЙНОҚ» БАҲОРИ

Сартарошларни халқимиз азалдан эъзозлаб келади. Тожиддин Абдуллаев ҳам ана шундай кишилардан бири. У бир неча йил Андижон шаҳар сартарошхоналарида оддий сартарош, сўнг бригада бошлиғи бўлиб ишлади.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда мулкчилик шакллари ўзгарди. Тадбиркорлик фаолиятига эътибор кўчайди. Бундан руҳланган Тожиддин ака сартарошхонани жамоа мулкига айлантириш таклифини илгари сурди. Шундай қилиб, Андижон шаҳар Навоий шўх кўчасидаги «Ешлик» сартарошхонаси базасида «Бешбўйноқ» маийш хизмат фирмаси ташкил этилди. Сартарошларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Бугунги кунда бу ерда эркак ва аёллар саломи ишлаб турибди. Ун беш нафар малакали сартарошлар миждозлар хизматига ҳўзру-нозиридир.

Тожиддин ака саховатпеша, гамхўр инсон. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг тавсиясига биноан ночор оилаларга яқиндан ёрдам бериб келади. Кейинги 7 йил ичида ана шундай камхарж, кўп болали оилаларнинг 150 нафарга яқин ўғил-қиз-

ларига беминнат ёрдам сифатида сартарошлик сирларини ўргатди. Беш нафар шогирдига мустақил иш жойлари яратиб берди.

Фирма жамоасининг шаҳардаги 12-касб-хўнар мактаби билан ҳамкорлиги яши йўлга қўйилган. Тожиддин аканинг ўзи мактабда сартарошлик курси очишга ҳам ҳисса қўшган. Бу ерда ўқиётган ёшларнинг аксарияти меҳнат амалиётларини «Бешбўйноқда» ўтказишади.

— Сартарошхона қуриш ёки унинг фаолиятини юритиш тадбиркорлигининг қийин соҳаларидан бири, — дейди фирма раҳбари. — Айтилмай, савдогар учун муҳими — дўкон бўлса бас, маҳсулотни олиб келиб сотаверади. Бизда эса бинодан ташқари сув, канализация сингари кўшимча шартлолрсиз ишлаб бўлмайди.

«Бешбўйноқ» жамоаси шаҳар ободончилигига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бино атрофидаги тозалик, манзарали дарахлар, турли гул кўчатлари миждозларга кўтарилки руҳ бағишлайди.

Ш.НЕМАТОВ.

### Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?

**Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл берилган. Улар эмин-эркин фаолият юритиб, ривожланишга эришишлари учун имкониятлар яратилган. Оминкор, элим деб, юртим деб, астойдил ҳаракат қилаётган кишилар иқтисодиётни юксалтириш, истеъмол бозорини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшияпти. Бу билан Ўзларига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтиришапти.**

Бахтаг қарши шундай тадбиркорлар ҳам борки, улар баъзи «хўмий»ларнинг бепарволиги, марсиялиятсизлиги оқибатида фирромлик йўлига кирдилар. Равшанки, республика Президентининг «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг маъсулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги, шунингдек, «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мўстаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорларида республика Марказий банки, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, бошқа тижорат банклари, уларнинг жойлардаги бўлимлари мутаваддилари дебиторлик, кредиторлик қарзлари ҳисоб бўлганлиги учун корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар раҳбарлари билан баб-баравар жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилган. Улар мулкчилик шаклидан қатъи назар фаолиятини мунтазаам таҳлил этиб, тўлов интизоми қўнун талаблари асосида изчил амалга оширилишини таъминлашга даъват этилганлар.

Афсуски, баъзи ерларда бу борада иш кўнгли-

дагидек эмас. Бухоро шаҳар Ф.Ҳўжаев тумани прокуратураси томонидан текширув ўтказилганда, қатор жиддий камчиликлар аниқланди. Гап шун-

## ТОМОШАБИН БАНКЛАР, ГИРРОМ ТАДБИРКОРЛАР

### ёхуд пенсия жамғармаси фондида тўловларни йиллаб ўтказмаётган кимсалар хўсусида

даки, бир қатор давлат ва нодавлат корхоналарда дебитор ва кредитор қарзларининг ўз муддатда тўланиши бўлишига эътибор берилмади. Лўнда ёндошлаганда, банклар томошабин бўлишапти. Бундан фойдаланган айрим тадбиркорлар эса фирромлик йўлига киришиб, Улар йиллар мобайнида тўлов интизомини қўпол равишда бузиб келишаётган бўлса-да, ҳеч ким «пишагини пишт» демаётди.

Оқибатда дебитор ва кредитор қарзларининг ҳисоботини олиб бориш, уларни камайтириш ишлари айниқса «Уй-жой жамғармаси», «Турон», «Тадбиркор», «Савдогар», «Асака» банкларида қўнқарсиз ахволга тушиб қолди.

Вазирлар Маҳкамаси-

нинг «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирилик хўзурида пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»-ги қарорининг 3-бандида пенсия жамғармаси маблағи мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, якка тартибда меҳнат фаолияти билан, шу жумладан, якка (жамоа) ижара шартларидан ёки шахсий деҳқон

рўйи. Мисолларга эътибор қаратайлик. Текшириш натижасида шу йилнинг 15 апрел ҳўлатига кўра Бухоро вилоят пенсия жамғармаси Ф.Хўжаев тумани бўлимига 89 та кичик ва хўсусий корхоналар раҳбарлари томонидан 5 йил ичида қарийб 5 миллион сўм миқдоридида мажбурий тўловлар ўтказилмаган. Ажабланарлиси шуки, жиддий камчиликка йўл қўйган бирор кичик ва хўсусий корхона раҳбарига нисбатан чора кўрилмаган. «Акмал-96», «Шир-

вод-Майрам» кўшма корхонаси шаънига ҳам юқоридидаги эътирозларни билдириш мўмкин. Энг ёмони, камчиликларни кўра-била туриб туман пенсия жамғармаси бўлими маъмурияти (бошлиғи Э.Муродов) бирон-бир чора қўлламаган. Мен сенга тегмайман, сен менга тегма, қабилида иш юритиш давлатга қимматга тушмоқда.

Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокуратураси томонидан юқоридида зикр этилган банклар маъмуриятлари номига амрномалар берилиб, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш топширилди. Мўҳим ишда изчилик, қатъиятлик кўрсатилди. Шундан сўнг, 1995-1998 йиллардан бўён пенсия жамғармасига ўтказилмасдан келинган маблағларнинг аксарият қисми ундирилди. Энди савол туғилади: хўш, ҳар бир ишга прокуратура ёки назорат идоралари аралашishi шартми? Камчиликларни кўра-била туриб, ўзини кўрмаганга олаётган, келишувчанлик йўлини тутиб, гуноҳи азимга шериқ бўлаётганлар фаолиятига қандай баҳо бериш мўмкин? Ахир, ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар мўстақиллигимизни мўстаҳкамлаш, иқтисодиётни юксалтириш, меҳнатқаш мушкулсини осон этиш ишига муносиб ҳисса қўшишга даъват этилган-ку. Бунинг учун эса пок виждон, мўстаҳкам иймон-эътиқод бўлиши лозим.

Ф.МАХМУДОВ, прокурор, адлия маслаҳатчиси.

### ЙИРИК КОРХОНАНИНГ КИЧИК «ДўСТЛАРИ»

Бундан бир неча йил аввал республика Давлат мулки кўмитаси ташаббуси билан «Корхона-маҳалла» иқтисодий маконини яратиш лойиҳаси илгари сурилган эди. Тўрт-беш йил ичида бу лойиҳа асосида 250дан ортиқ кичик, ўрта ва хўсусий корхоналар ташкил этилди. Уларнинг бир нечаси ёпилишга ҳам улгурди. Ташаббусни бунингдан бўлиб қўллаб-қувватлаган «Ўз-электроаппарат» акциядорлик жамиятида «Корхона-маҳалла» иқтисодий ҳамкорлик лойиҳаси бугунгача ишлаб турибди.

ни кўпайтириш, уларга техник ва бошқа ёрдам кўрсатиш борасида муайян ишларни бажариб келмоқда, — деди акциядорлик жамиятининг қимматли қўғозлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Наталья Флоренко «Туркестон-пресс» муҳбири билан сўхбатда. — Якка тартибда фаолият кўрсатаётган кўпгина тадбиркорлар корхонамизда тайёрланган асбоб-ускуналарга эгаллик қилишлари натижасида ўз маҳалла ва гузарларида бир қатор ишлаб чиқариш хўжаликларини йўлга қўйдилар. Ҳўсуosan, ёгончи қайта ишловчи ускуналар, 16-25 тонналик қувватгача металлари

жипслоччи пресслар, темир идиш ва қопқоқлар тайёрлайдиган ускуналар ишибилармон ҳамкорларимиз иштирокида.

Н.Флоренко айтишича, «Ўзэлектроаппарат» корхонасининг олтинчи цехида ишлаб чиқарилаётган «ЭСПИ-И» қуригич шакафи бир кеча-кўнунда 250 килограмм ўл мевани қайта ишлаш имконини беради.

— Ушбу қуригич шакафидан бугунги кунда майиз, туршак каби тансик маҳсулотлар ишлаб чиқаришда самарали фойдаланилмоқда, — деди пиروвардида корхона ходими.

«Туркестон-пресс».

Тарихда қолган сиймолар

# ЭНГ ҚИММАТЛИСИ - ДЎСТЛИГИМИЗДИР

**Жавоҳарлаъл Неру Хиндистонда миллий озо-лик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бири. тинчлик учун мард ва толмас курашчи, атоқли давлат арбоби.**

**У хинд халқининг дохийиси Махатма Гандидан кейин Хиндистон озолик ва мустақиллигининг бош меъмори бўлди. Ун етти йил давомида мамлакат бош вазири лавозимида ишлади. Хиндистоннинг қўшилмаслик ва барча мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини ишлаб чиқди. Ж.Неру инсониятнинг тинчликка интилишини ўзида мужассамлаштирган жаҳон микёсидаги арбоб эди.**



ички ва ташқи сиёсатининг асосий тамойилларини ишлаб чиқди. «Неру йўли» деб аталган бу йўлни амалга оширишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлди. Хиндистон ҳукумати Неру бошчилигида мустақиллик давридан мерос бўлиб қолган иқтисодий қолоқликни бартараф этишга қаратилган муҳим тадбирларни амалга оширди. Неру ҳукумат План комиссиясининг раиси сифатида Хиндистонни тараққий эти-тиришининг биринчи учта беш йиллик режасини ишлаб чиқишда бевосита

қатнашди. Ж.Неру халқаро сиёсат ва хинд миллий озолик ҳаракатига оид бир қанча китоблар муаллифи-дир. Унинг айниқса «Хиндистоннинг кашф этилиши», «Таржимаи ҳол», «Жаҳон тарихига бир назар» каби асарлари кўпгина тилларга таржима қилиниб, китоб-хонлар ўртасида катта шўҳрат қозонган. «Хиндистоннинг кашф этилиши» китобида саркарда Амир Темур, Темурийлар даври, Хиндистонда узоқ муддат ҳукмронлик қилган Бобурийлар сулоласи ҳақида қимматли фикрлар билдирган. «Бобур дилбар шахс, уйғониш даврининг таниқли ҳукмдори, жасур ва тадбиркор инсон бўлган, - деб ёзади Неру, - у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг невараси Акбар тагин ҳам диловар, тагин ҳам кўпроқ фазилатлар соҳиби бўлган. У мард ва довларак истеъдодли саркарда бўлиш билан бирга мурувватли ва танти, ташаббускор, ўз издошларининг чексиз садоқатини қозонган дохий эди. Саркарда сифатида у Хиндистоннинг

кенг ҳудудларини ўзига бўйсиндирди. Аммо у қўлдан келмайдиган бошқа галабани - одамларнинг қалби ва онгини забт этишни орзу қиларди. Акбар атрофи-га ўзи ва орзу-истакларига садоқатли ажайиб инсонларни тўплади. Бобурийлар ҳукмронлиги фақат давлат тузиш, мамлакатни идора этиш ва қўшинларга таъсир этибгина қолмай, балки санъат, адабиётда, Хиндистоннинг бутун ҳаёти-да чуқур из қолдирди. Акбар ўз салтанатини шундай мустақкам курган эдики, унинг давлати укүвсиз ворислар даврида ҳам юз йилча яшади, деярли ҳар гал Бобурийлар салтанатининг ҳукмдори вафотидан кейин тарихга даъвогарлар ўртасида Марказий ҳокимиятга путур етказувчи урушлар бўлиб турди. Лекин саррой мустақкамлигича қолар, улүг Бобурийлар бутун Осиё ва Европага довлүг таратган эдилар.

Ж.Нерунинг буюк хизмати шундаки, ички сиёсатда тараққий этган, илғор мамлакатлар тажрибасига суянди ва уни кўр-кўрона Хиндистон шароитига тадбиқ этма-

ди. Натижада Хиндистон унинг ҳаётлигидаёқ мустақкам давлатдан ривожланаётган мамлакатлар сафига ўтди. Ташқи сиёсатда эса жаҳондаги барча тараққийлар-вар кучлар билан бирлашиш, иттифоқ бўлиш йўлини тутди. Натижада Хиндистоннинг тинч тараққий этиши таъминланди. Хиндистоннинг халқаро обрўи ниҳоятда ошди.

Ж.Неру мамлакатимиз бўйлаб сафари чоғида, учрашувларидан бирида тўқилгани шундай деган эди: «Биз сиздан жуда кўп қимматли соғвалар олдик, лекин энг қимматли соғва сизнинг дўстлигингиздир. Мен бу дўстлиқнинг тобора ривожланишига ва мустақкамланишига астойдил ишонманам.»

Нерунинг орзулари ушалаётганлигига гувоҳимиз. 1991, 1993 йилларда Президентимиз Ислам Каримовнинг Хиндистонга давлат сафари бу улүг мамлакат билан иқтисодий, маданий алоқаларимизда янги саҳифаларни очди.

Жавоҳарлаъл Неру фақат сиёсат билан чегараланиб қолмаган. У буюк ватанпарвар, мутафаккир, файласуф, тарихчи ва шоир бўлган. У ўз ибораси билан айтганда, тафаккурни амалиёт билан қўшиб олиб бора олган бахтли инсон эди.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

# OLAMDA NIMA GAP

**КОЛОМБО.** Шри-Ланка президенти Чандрика Кумаратунга «Тамил илама» озолик йўлбарслари» айирмачи гуруҳини жанговар ҳаракатларни тўхтатиш ва музокара ўтказишга чақирди. Акс ҳолда, ҳукумат армияси мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаш борасидаги операцияларини янада фаоллаштиради, деди у.

Сўнгги вақтларда айирмачи гуруҳ билан ҳукумат кўшинлари ўртасида бир неча бор кескин тўқнашув бўлиб ўтди.

**БРАТИСЛАВА.** Жорий йилнинг 28 июнидан Словакия билан Украина ўртасида визали тартиб жорий қилинадиган бўлди. Словакия ташқи сиёсат маҳкамаси бу ҳақдаги нотани Украина-нинг Братиславадаги элчисига топширди. Словакия томони дипломатик ҳамда хизмат паспортга эга бўлган кишиларни визасиз ўз ҳудудига киритиш қоидасини сақлаб қолишни тақлиф қилмоқда.

**ЖЕНЕВА.** Швейцарияда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг йиллик 56-сессияси ўз ишини якунлади. Тадбирда дунё давлатларида ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар, камчиликлар, айрим минтақаларда юз бераётган можароларда фуқаролар ҳуқуқларининг тоғталиши, террорчилик ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Сессия якунида ушбу масалалар юзасидан қатор қарорлар қабул қилинди.

**ПАРИЖ.** 3 май - Жаҳон матбуот эркинлиги кунини. Шу муносабат билан БМТ Бош қотиби Кофи Аннан, ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилот олий комиссари Мэри Робинсон дунё давлатларига мурожаат қилиб, уларни матбуот эркинлиги борасида қабул қилинган қонунларга риоя қилишга чақирди. Халқаро ҳамжамият матбуот эркинлиги бузилишига қарши курашни давом эттириши лозим. Халқаро ташкилотлар бунинг учун бор имкониятни ишга солади, деб таъкидланган. ушбу мурожаатномада.

**АБУ-ДАБИ.** Уммонда Форс кўрғазидидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда, асосан, Яқин Шарқдаги вазият, Бирлашган Араб Амирликлари билан Эрон Ислам Республикаси ўртасида чегаравий можаро билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Хабарларга қараганда, Армуз бўғозидаги Абу Мусо, Катта ва Кичик Томб ороллари эгаллик қилиш борасидаги тортишув ўзига йиллардан буён Амирликлар билан Эрон ўртасида алоқаларга путур етказиб келмоқда. Ҳозир ушбу оролар Эрон назоратида турибди. Бироқ расмий Абу-Даби ушбу ҳудудлар ўзига тегишли эканини ва Техрон ороллари куч билан ўз тасарруфидида тутиб турганини таъкидламоқда.

**МАНИЛА.** Филиппин миллий мудофаа вазири Орландо Меркадо хорижий фуқароларни гаровга олган экстремистик гуруҳ талабини рад этди. Жиноий тўдалар гаровдагиларни озолик қилишда учинчи давлат воситачилик қилишни тақлиф қилмоқда. Ҳукумат эса террорчилар билан музокара ўтказиш бўйича мамлакат президенти томонидан тайинланган шахс номзодидан кечишни истаётгани йўқ.

Ушбу жиноий гуруҳ бир неча кун илгари Малайзиянинг Сипадан оролида 21 кишини гаровга олган эди. Улар Франция, Германия, Финляндия ва Ливан фуқаролари бўлиб, ҳозир Филиппиннинг Холо оролида сақланмоқда.

**МЕХИКО.** Гватемалада гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланаётган тўдалар пайини қирқиш мақсадида ўтказилган операция натижасида 800 килограммга яқин кокаин мусодалари қилинди. Унинг нархи ўн миллион АҚШ долларига тенг. Хабарларга қараганда, «ок огу» Исабал департаментда жойлашган портлардан биридаги контейнердан топилган. Ушбу жиноят юзасидан бир неча киши қўлга олинди.

(ЎзА)

## «Ишонч»га жавоб берадилар «НАФАҚАДАГИ ФАРҚНИ КИМ ТўЛАЙДИ?»

Газетамизнинг шу йил 10 март сонидида юқоридаги сарлавҳа остида Яккабоғ тумани «Яккабоғ» кўрғонидида истиқомат қилувчи нафақажўр Замон Раҳмоновнинг мактуби чоп этилган эди. Яқинда таҳририят ана шу масала юзасидан Қашқадарё вилоят ижтимоий-таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари К.Алиев имзоси билан жавоб хати олди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига асосан 1994 йил 1 июлдан З.Раҳмоновнинг пенсия миқдори қайта ҳисобланган, бунда 44 йил 4 ой 27 кун меҳнат стажи ҳисобга олинган. 1990-1991 йиллар иш ҳақларига тузатув коэффициентни қўлланилгандан кейинги ўртача иш ҳақи 243 сўм 03 тийиннинг 74 фоизи 179 сўм 84 тийин ва уруш ортидаги меҳнат учун энг кам иш ҳақининг 30 фоизи 21 сўм қўшилиб, умумий пенсия миқдори 200 сўм 84 тийинга тўғри белгиланган, кейинчалик бу миқдор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосан тўғри оширилиб келинган.

Вилоят ижтимоий - таъминот бошқармаси мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилганда, маълум бўлишича, З.Раҳмонов Яккабоғ туман архивидан 1999 йил 25 мартдаги 282-сон қарори билан чиқим қилинган 1985-89 йилларнинг иш ҳақини 1999 йил 30 мартда туман ижтимоий - таъминот бўлимига тақдим этган ва 1985-89 йиллар иш ҳақлари бўйича 1999 йил 1 майдан ўша йиллар иш ҳақларига тузатув коэффициентни қўлланилганда пенсия ҳисоблаб чиқариш учун ўртача иш ҳақи 6669 сўм 03 тийинни ташкил этган, пенсия миқдори 6669 сўм 03 тийиннинг 74 фоизи 4935 сўм 08 тийинга уруш ортидаги меҳнати учун энг кам иш ҳақининг 30 фоизи 396 сўм қўшилиб, умумий пенсия миқдори 5331 сўм 08 тийинга қайта ҳисоблаш ўрнига бўлим мутахассисининг ҳатоси туфайли 44 йиллик иш стажини 45 йилга нотўғри белгиланган ва пенсия миқдори 5397 сўмга оширилган ва 1999 йил 1 августдан ҳам 45 йиллик иш стажидан пенсия миқдори қайта ҳисобланган, 7487 сўм 20 тийин ўрнига 7581 сўм 29 тийинга оширилган ва 2000 йил 1 февралгача тўланиб келинганлиги натижасида 828 сўм 27 тийин ортиқча тўланган.

Пенсия иши ўрганиб чиқилганда, З.Раҳмонов пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш учун Яккабоғ туман архиви томонидан 1999 йил 25 мартда берилган 282-сонли қарор 1985-89 йил иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотномани ижтимоий-таъминот бўлимига 1999 йил 30 мартда топширган, бу йиллар иш ҳақларини тақдим этгунга қадар пенсия миқдори 1990-91 йиллар иш ҳақлари бўйича ҳисобланиб келинганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги Фармонига асосан 1999 йил 1 августдан З.Раҳмоновнинг пенсияси миқдори 7487 сўм 20 тийинни ташкил этади ва бу миқдор 2000 йил 1 февралдан бошлаб тўланиб келинмоқда.



«Соғлом авлод йили» муносабати билан Чортоқ туманида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган йўналишлар бўйича изчил иш олиб борилаётир. Турман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича махсус тадбирлар ишлаб чиққан. Хусусан тумандаги 54 та мактабда «Қизлар», «Йигитлар» клублари фаолияти кўпчиликка маъқул бўлаётир.

### Сиз бунга нима дейсиз?

**Арзиманган нарсадан бошланган тортишув фожиа билан тугайди деб ҳеч ким ўйламагани.** Аммо, афсуски, шундай ҳол юз берди. Туман солиқ инспекциясининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими инспектори Музроб Бобоев билан дўкдор ўртасида тортишув туфайли у дундан бевақт кўз юмди.

Ўша кунни эслашнинг ўзи бир дахшат. Видолашаётган она фарёди, отанинг тошини ёргувчи ҳасратлари, мурғакни зурриёди Мирамжоннинг нолаларини эшитиб, йўғлаган ҳам йўғлади.

Беихтиёр ўйлаб қолсан киши. Нега дўкдор қўлига пичоқ олиб, солиқчининг кўксига санчди? Нега?...

Сохта тадбиркорлик ниқоби остида ўз фаолиятини кечкурунлари пинҳона давом эттирган дўкдор Муҳаммад Ражабовнинг ўзини нафс балосига гирифтормати этишининг сирини маида? Туман давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Умар Саидовнинг кўрсатмаси баъзи бир маъмуликни тўлдирса ажаб эмас: «Сохта тижоратни М.Ражабов фаолият кўрсатиб келган савдо дўкони илгари Жондор кўрғониди яшовчи У.Ҳошимовга тегишли бўлиб, у киши ҳокимлик ва ДСИ дан рўйхатдан ўтган. 038915 сонли қайд гувоҳнома олиб, 1999 йилнинг май ойида фаолият турини ўзгартган. Унинг аҳолига транспорт хизмати кўрсатиб, савдо фаолиятини тўхтатган. Маълум муддатдан сўнг М.Ражабов У.Ҳошимов билан келишиб, мазкур дўкonda ўз фаолиятини пинҳона равишда кечкурунлари соат 7 дан кейин давом эттирган. Икки ўртадаги келишувдан бўлиб ҳам, назоратчилар ҳам мулқола ха-

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, оила тотувлуги кўп жиҳатдан янги турмуш кураётган ёшларнинг руҳий камолати, қайнона ва қайноталарнинг оила муҳимлиги кўрсатадиган таъсирларига боғлиқ. Бу

барсиз. Сири ошкор бўлишидан кўрққан дўкдор ўша кунни қотилик қилишгача бориб етган..»

Ажабо, ҳар кунни Кўрғон Каримни мутолаа қилиб, ўзини намозхон қилиб кўрсатиб юрган дўкдорнинг бир банди мўминнинг қотилига айланганлигини қандай изоҳлаш

## ЖОҲИЛЛИК

мумкин? У қилмишига яраша жазоланди, албатта. Лекин шахарчада пинҳона фаолият кўрсатиб, қонунга зид равишда спиртли ичимликлар билан савдо-сотик қиладиган дўкон биттами? Йўқ, албатта. Нега бу ерда кечкурунлари алламахалга қадар ёшларни турли куйга солувчи видеоасмалар қўйиб бериш давом этган. Нега бу ҳолдан хабардор бўлган кишилар «миш» этишмаган? Нега ўша кунни дўкonda бўлган улфатлар «куён» бўлиб қолишди? Маҳалла - тарбия

### КИМ АРЗОН ВА СИФАТЛИ ҚУРАДИ?

Тошкент вилоятида айни вақтда олтига қасб-хунар коллежи, битта академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Янги ўқув йилида улар сонини янада кўпайтди.

Айни пайтда вилоят шаҳар ва туманларида 11 та қасб-хунар коллежи, учта академик лицей қурилиши жадал давом этмоқда. Ангрен шаҳрида 900 талабга мўлжалланган ана шундай замонавий хунар масканини «Ўзбекшахтақурилиш» Трести қурувчилари бунёд этмоқда. Ҳозиргача бу ерда 200 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ўқув биноси ва 300 ўринли ётоқхонадаги асосий ишларни тугаллаган бунёдкорлар пардозлаш ишларига киришди.

Дарвоқе, вилоят капитал-кооператив ва яққа тартибда уй-жой қурилиши бош бошқармаси Охангарон шаҳри, Зангиота ва Қуйчириқ туманларида қад ростилажар коллежлар қурилиши учун тендер савдоси эълон қилинди.

Янги ўқув йилида вилоятда тўққизта қасб-хунар коллежи, иккита академик лицей фойдаланишига топширилиши режалаштирилган.

Усмон НАВРҮЗ.

Дил сатрлари

ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА

Тинч бўлсин десанг гар ўз хонадонинг, Фарзандлар гул яшнаб ўсган маконинг, Осуда ўтсин деб хар кун, хар онинг, Бурчингни бажариб, поклаб виждонинг, Ўз уйингни ўзинг асра, ватандош.

Хар кимга ўз уйи — улкан тўшақдир, Эл-у юртга туташлиги бешақдир. Ватан ва оила кўш-эгизақдир, Сергаклигинг ҳаётингга безақдир, Ўз уйингни ўзинг асра, ватандош.

Ғанимларга бўлмагин беэтибор, Йўқ уларда андиша-ю номус-ор. Пешадек бўлса ҳам, тоғдек хавфи бор, Етмасин деб зиён-захмат, бирон кор, Ўз уйингни ўзинг асра, ватандош.

Нобакордан асло инсоф кутмагил, Қиш чилладан иссиқ офтоб кутмагил. Разолатдан ажри савоб кутмагил. Қабоҳатдан эзгуликни кутмагил, Ўз уйингни ўзинг асра, ватандош.

Ўзгартирмас ғаним ғализ фикрини, Қилмайди у эркин даврон шукрини. Дейдиларки, гўр тутазар буркини, Эзозлаб юрт муҳаббатини, меҳрини, Ўз уйингни ўзинг асра, ватандош.

Ватан асли оиладан бошланур, Иккиси ҳам бир қуёшдан эмар нур. Юртинг тинч бўлса гар, оиланг тинчдир, Элпарвар йўлбошчингга айтиб ташаккур, Ўз уйингни ўзинг асра, ватандош.

ЯШАГИМ КЕЛУР

Ешим ҳам саксонни қолди қоралаб, Боқмоқда юлдузим тундан мўралаб. Эзгулик гулларим жамлаб, саралаб, Унга эътиқод-ла яшагим келур.

Шу ёруғ дунёмиз турганча туриб, Бахтиёр кексалик гаштини суриб, Гунчадек фарзандлар камолини кўриб, Юртга садоқат-ла яшагим келур.

Бизнинг ёшлигимиз кечди туманли, Ҳаёт йўлларимиз чақир тиканли. Шунда ҳам бўлдиқ биз орли, иймонли, Шукрий хотирот-ла яшагим келур.

Истиклол — Аллоҳнинг бахшидир, билинг, Озодлик — ҳаётнинг нақшидир, билинг. Колажақ ўтмишдан яхшидир, билинг, Сиз — бахтли авлод-ла яшагим келур.

Юртбошимиз — халққа гамхўр, фидойи, Фаровонлик айлар элга атойи. Бўлиб тинч осмонинг кўёши, ойи, Гўзал коинот-ла яшагим келур.

Обод юрт васфини куйлаш — ниятим, Виждон олдидаги мажбуриятим. Эзозлаб, шарафлаб пок қадриятим, Бир умр ижод-ла яшагим келур.

Соип МУХАМЕДОВ, меҳнат фахрийси.

Халқимизнинг «урушнинг бети кўрсин, илоҳим тинчлик бўлсин!» - дейиши бежиз эмас. 1943 йил бўлса керак. Ҳозирги Аброр Ҳидояттов номидаги театр биносидан (ўша вақтда академик театр жамоаси ишлар эди) катта йиғин бўлди. Ушанда фронтда мардона жанг қилаётган ва эндигина генерал унвони берилган Собир Раҳимовни сахнага олиб чиқишди. Эшитишимизга қараганда, у фронтдан бир кунга чақирилган экан. Машҳур генералимиз жанг майдонларидаги воқеалар хусусида гапириб, сўз охирида биз санъаткорларга мурожаат қилди: «Йигитларимиз сизларни соғинганлар. Агар жанг майдонларида халқимизнинг севимли кўшиқлари, рақслари янграсса, уларга куч-қувват бағишлаган бўлар эди».

Ўша кунийёк фронт учун ансамбллар ташкил этилди. Ана шу ансамбллар таркибида Ҳалимаҳоним, Муқаррамаҳоним, Тамараҳоним, Аброр Ҳидояттов ва хоказо шу каби машҳур актёрлар фронтга бориб, жангчиларни руҳлантиргани эсимизда. Шундай ансамбллардан бири Ўзбекистон халқ артисткаси Гавҳар Раҳимова ташкил этган «Фронтвик кизлар» ансамбли эди. Унда Яйра Абдуллаева ҳам иштирок этиб, аскарларимизга рақсга тушиб, оташин шеърлар ўқиб берганида, унинг ёши эндигина 13 га тўлган эди. Бевоқифа жанг майдонларида концерт беришининг ўзи эмасди. Ўқ овозлари эшитилиб турганига қарамай, санъаткорларимиз ўз

вазифаларини бажаришга астойдил интилдилар. Яйра Абдуллаеванинг онаси ҳам, отаси ҳам ўз замонасининг машҳур артистлари эдилар. Айниқса, Яйранинг артист бўлиб шаклланишида хосла Тамараҳоним ва Гавҳарҳонимларнинг меҳнатлари кўп синган. Шу боис, у гўдаклигиданок рақсга моҳирона тушиши ва ўзбек халқ куйларини, айниқса, лалларларини айта билиши ҳаммани қойил қолдирар эди. Ҳали ёши 15 га тўлмасданок Тошкент театр санъати олийгоҳига ҳеч қандай имтиҳонсиз қабул қилинади. Менинг ҳам Яйра Абдуллаева билан яқиндан танишишим ва бирга роллар ижро этишим ана шу олийгоҳдан бошланган эди. Истеъдодли артистлар билан бир ансамблда,

Сиз севган санъаткорлар

бир жамоада ишлашнинг ўзи санъаткор учун катта бахт. Биз диплом иши учун Чеховнинг «Айиқ» пьесасини сахналаштирганимиз. Шу кичик бир пьесадаги аёл ролини Яйра Абдуллаева, мен эса эркак ролини бажариб, олийгоҳни юқори баҳолар билан битирган эдик. Мен ўша йиллари ҳам олийгоҳда ўқиб, театрда ишлар эдим. Яйра

ижро этган ўзбек қизи образига ҳақиқатан ҳам пахтакор-деҳқон қиёфаси акс этиб турганини кўп таъкидланган. Яйра Абдуллаеванинг театр сахналарида ҳам, кино экранларида ҳам бажарган роллари кўп. Яйра Абдуллаева билан бир суҳбатимизда унинг юзга яқин ёрқин образларни талқин этганлиги эътироф этилди. Яна шу

«Кутлуг қон»даги Гулнор, Туроб Тўланинг «Нодира бегим» асаридagi Нодира бегим образларини эслаб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман. Бизнинг театримизда сахналаштирилган Пиримқул Қондировнинг «Юлдузи тунлар» пьесасидаги Бобурнинг онаси образига ҳақиқий ўзбек онасини кўрдик. Албатта, ҳар бир ижодкор артист кинода суратга тушишни орзу қилади.

Тўғриси айтганда, Ҳамза театри артистларининг кинода ёки телевидениеда рол ижро этмагани кам десам бўлади. Яйра Абдуллаева ҳам кинодаги ишини Комил Ёрматов яратган опасингил Раҳмановалар фильмидан бошлаган. У «Стадионда учрашамиз» кинокомедиясида ҳам ниҳоятда мароқли рол ижро этган. Эшитишимга қараганда, машҳур актёр Шукур Бурхонов режиссёр Хачатуров билан «Виждон амри» фильми устида ишлашадиган бўлади-ю, шундаги бош роллардан бири Дилбар образига Яйра Абдуллаевани таклиф қилишди. Устоз актёр Шукур Бурхонов шу Дилбар образини яхши яратган оғлан Яйра Абдуллаевани кўп марта тилга олганини эшитганман. Яйра Абдуллаева

ҳамон изланишда. Деярли ҳар кунни гоҳ экранларда, гоҳ театр сахналарида, гоҳ телевидениеда пайдо бўлганини кўрамиз. У ролнинг катта-кичиклигига қараб ўтирмайди. Чунки ролнинг каттаси йўқ, актёрнинг каттаси бор. Яйра Абдуллаева ҳамма шунга амал қилади. Маълумки, ўтган йили халқимиз «Алпомиш» достонининг минг йиллигини нишонлади. Ана шу буюқ қаҳрамонга бағишланган «Алпомиш» фильмининг истеъдодли режиссёр Ҳабибулла Файзиев экранлаштирди. Ҳозир бу асар экранга чиқиш арафасида. Яйра Абдуллаева ана шу «Алпомиш» кинофильмида умумлашган она образини яратган олди. Бу образнинг умумлашган дейишимдан мақсад - у қадим замонлардан бери ўзбек оналарига хос бўлган қаҳрамон фарзандлар ўстира олган рамзий онани гавдалантирди.

Албатта, Яйра ҳақида яна олам-олам гаплар айтиш мумкин. Биз шундай санъаткоримиз борлиги билан фахрлансак арзийди. Зикир МУХАММАДЖОНОВ.

ЁДИНГДАМИ, ЖАНГ СУРОНЛАРИ...

олийгоҳни битириши билан бизнинг жамоамизга келиб қўшилди. Ўша йиллари Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» пьесаси сахналаштирилган бўлди-ю, иккимизга ҳам омад чопди. Пьесадаги кизлар бригадасининг бошлиғи — Ҳафиза ролини Яйра Абдуллаева, йигитлар бригадасининг бошлиғи Деҳқонбой ролини мен ижро этадиган бўлдим. Даврий матбуотда босилган мақола-ларга қаралса, Яйра

ниса ҳам борки, бу роллар ниҳоятда ранго ранг. Дунё классикаридан тортиб, ўзбек драматургиясидаги аёллар образи бу актриса ижросида ажойиб тарзда ифода этилган. Яйра Абдуллаева 75 баҳорни бошидан кечирди. Унинг ижодини кейинги йилларда кўпроқ оналар образи эгаллай бошлади. Зеро, мен оналар ролига ўтишдан олдин унинг «Бой ила хизматчи»даги Жамила,

Футбол

ЧЕМПИОННИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Ашаддий мухлислар телевидение дастуридан мўжиб жой олган «Интер футбол»ни ҳар доим ҳаяжон ва катта ҳавас ила томоша қилишди. Фавқулодда маҳорат соҳибларининг тўп билан муомаласи, қолаверса, майдонга тушган жамоаларнинг турнир жадвалидаги жойлашувидан қатъи назар мурасасиз курашдан олам-олам завқ олган ишқибозлар беихтиёр равишда «қачон бизнинг футболчилар ҳам шундай ўйнашди», дея энтикишлари бежиз эмас. Чиндан-да, нега шундай ўйин кўрсатиш мумкин эмас?

Чамаси, тўққизинчи тур учрашувлари футбол шинавандалари кўнглида тугилган ушбу армонли саволларга бир қадар жавоб берди. Ўтган йилги чемпионда ҳам ишончли галабалар қозониб пешқадамликни қўлга олган «Дўстлик» жамоаси кутилмаганда, гўё теп-текис йўлда кетатуриб, қоқилди. Албатта, ҳеч бир ҳодиса ўз ўзидан содир бўлмайди. Чемпионнинг «Гулистон» жамоасига ўз майдонда мағлубиятини тасодиф ёки ўз кучига ортиқча баҳо бериб юборганлик билан изоҳлашга мойил кишилар оз эмас. Эҳтимол шундайдир ҳам. Лекин адолат юзасидан айтганда, гулистонлик футболчиларга ҳам қойил қолмоқ лозим. Вазнлар тенг бўлмаган полвонлар баҳсида куч-

сиз томоннинг галаба қозониши ҳамма вақт ҳайратга ва шу билан бирга олқишларга сабаб бўлади. «Гулистон» жамоаси, агар таъбир жоиз бўлса, чемпионат баҳсларига янги, ишқибозлар кўпдан бунён кутаётган мурасасиз эпкин олиб кирди. Уйнаса бўларкан-ку! Албатта бир ўйин билан олисга борувчи ҳулсалар қақариш тўғриси бўлмаса-да, айтиш мумкинки, «Гулистон» жамоаси яқинда тайинланган мураббий, собиқ пахтакорчи Фарҳод Магомедов билан узокни кўзлаган кўринида. Мухими, жамоа қалқони — дарвозабон Алишер Тўйчиев ўйиндан-ўйинга «очиқлик» бораётти. «Дўстлик» устидан 2:1 ҳисобида қозонилган галабада, шубҳасиз, дарвозабоннинг ҳиссаси катта.

Бу йилги чемпионатнинг энг йирик кашфиёти, бу Қаршининг «Насоф» жамоаси десак, хойнаҳой аксарият футбол мухлислари ва мутахассисларининг фикрини ифодалаган бўлаемиз. Шу кунгача ўйналган матчулар, ҳоҳ у мەҳмонда ёхуд ўз майдонда ўтказилган бўлсин, жамоанинг кутлуг нияти шахдам одимлар ила ижобат топаётганидан далолат бермоқда. Эҳтимол шундайдир ҳам. «Зарафшон» билан мەҳмонда кечган учрашувда йирик ҳисобда устун келиш ҳам кўп нарсани аниқлаштирди. Қаршилик «чарм тўп» усталари бу йилнинг 4:1 ҳисобида ўз фойда-

қуйдаги натижалар қайд этилди: «Семурғ»-«Хоразм» — 0:0, «Самарқанд-Динамо»-«Сурхон» — 2:1, «Бухоро»-«Андижон» — 1:1, «Қизилқум»-«Нефчи» — 1:2, «Кимёгар»-«Сўғдиёна» — 0:1, «Навбахор»-«Трактор» — 2:0, «Темирйўлчи»-«Металлург» — 2:0.

Чемпионат баҳслари биринчи давранинг экваторига етиб келди. Кучли жамоаларнинг шиддатини қайд этганими каби 8 та тўп билан бу баҳсга киришганлигини амалда исботлай билди. Дарвоқе, мерганлар таркибиде «Пахтакор»нинг энг кекса футболчиси Игорь Шквирининг ҳам борлиги таҳсинга лойиқ. «Турон» жамоаси билан учрашувга ўзининг 37 ёшини муносиб нишонлаш учун тушган Игорь икки тўп муаллифи бўлиб, айни вақтда ўз жамоасига уч очко ҳам келтирди.

Қолган учрашувларда

З.РИХСИЕВ.

Тўққизинчи турдан кейинги вазият

Table with 6 columns: Жамоалар, ў, ю, д, м, т-н, (). Rows list teams like Насоф, Дўстлик, Самарқанд-Динамо, etc.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗГА ОСОН БЎЛМАЙДИ

Шу йилнинг октябр ойида Ливанда бўлиб ўтадиган қитъа чемпионати финал босқичи учрашувларида қуръа ташланди. Унга қўра, «Ливан-2000» йўлланмасини қўлга киритган 12 терма жамоа аввало гуруҳ баҳсларида ўз омадларини синаб кўришади. Ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар кейинги босқич учрашувларида иштирок этишади. «С» гуруҳидан жой олган миллий тер-

ма жамоамиз Япония, Саудия Арабистони ҳамда Катар терма жамоаларига қарши тўп суришади. Гуруҳдаги биринчи учрашувни ҳамюртларимиз 14 октябр кунни Катар терма жамоасига қарши, иккинчи учрашувни 17 октябр кунни кунчиқар юрт вакиллари — японларга қарши ўтказишса, 20 октябр кунни эса ўтган Осие чемпионати голиби — Саудия Арабистони футболчилари билан учрашадилар.

Тошкент Давлат педагогика институти томонидан Нигора Хайруллаевна Усмоновага 1987 йилда берилган НВ № 927993 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

КОМПАС ТАРИХИДАН

Бундан қарийб 35 йил муқаддам Мексика мамлакатининг Веракрус штатидаги ҳозирги Сан-Лоренсо шаҳри яқинида қадимги қабилани манзилгоҳини археологик қадим вақтда узунлиги уч сантиметрдан ортиқроқ оҳанраболи темир парчаси топилди.

Сайқал бериб силлиқланган бу оҳанрабо парчаси анча каттароқ асбобнинг бир бўлаги бўлиши керак. Топилманинг физик хосасини текширган мутахассислар унинг ёши 3 миң йилдан зиёددирки ташкил қилади, деган фикрни илгарий сурди.

Шу нарсани аёнчи, Христовор Колумб келгунга қадар Марказий Америкада яшаган халқларнинг қабиласи кўпинча ўз шаҳарларини бунёд этишда кўча ва иморатларни кунгай томонга қаратиб қуришга аҳамият берганлар. Айниқса, ибодатхоналар шу қоида асосида қурилган. Ибодатхоналарнинг бундай режа асосида бино қилиниши, шубҳасиз, қабилани диний эътиқодларидан далолат берувчи муҳим омиллардир. Шунга қўра, мутахассислар юқорида тилга олинган топилма қадимий компаснинг бир бўлаги бўлиши ҳақиқатга жуда яқин эканини тасдиқлашмоқда. Қолаверса, мазкур оҳанрабо бўлагидан унинг икки томонида йўналган ўқсимон тарновча қўлга ташланадигани, эҳтимол, бу асбобнинг томонларини кўрсатувчи асосий «мил»дир. Унинг комплекслик хосаси текширилганда у шимол-жануб линиясини гарбга томон 35,5 даражага оған йўналишини кўрсатди.

Наманган туманида мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари учун қулай шароитлар яратилмоқда. Яқинда туман ҳокимлиги ташаббуси билан бу ердаги тадбиркорлар томонидан 21-боғча-гимназия тавмирлаб берилди. Айни чоғда 125 нафар кичкинтой таълим-тар-



Суратда: Тарбиячи Насибохон Шермирзаева.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Тўрақўрғонда троллейбус қатнаётти

Вилоят марказига ёндош бу туманда сўнгги йилларда қувончли ўзгаришлар содир бўлди. Бунёдкорлик ишлари қишлоқлар кўркига-кўрк қўшди. Яқинда аҳоли яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлишди. Бу ерда

троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Беминнат транспорт қатнови йўлини «Намангангросаноаткурилиш» ҳиссадорлик жамятининг 7-корхонаси жамоаси барпо этди. Қурувчилар муҳим ишга даҳлдор эканликларини чуқур ҳис этиб, вақт билан

ҳисоблашмай ишладилар. Улар хайрминатли саби ҳарақатлари билан 160 минг туман аҳолисини бағоят хушнуд этишти. Тўрақўрғонда троллейбус қатновининг йўлга қўйилиши ислохот меваларидан биридир.



ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир ҳайъати: Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, зълонлар бўлими 56-87-63 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 0005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ, Умумий алади 14.002 нуска. Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилади 23.00